

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

«ТАСДИҚЛАНГАН»

539 - сон

АТ «Алоқабанк» Кенгашининг
2019 йил «26» ноябрдаги
43 – сонли баённомаси

2019 йил «26» ноябрь

Кенгаш Раиси



АТ «АЛОҚАБАНК»

фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича

2020 ЙИЛ

БИЗНЕС-РЕЖАСИ

ТОШКЕНТ – 2019

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1. ЖОРИЙ ҲОЛАТ ТАҲЛИЛИ.....	3
1.1. Республикадаги макроиқтисодий тенденциялар.....	3
1.2. Банк тизими ҳолати таҳлили.....	5
1.3. Банкнинг бозордаги ўрни ва бугунги кундаги молиявий ҳолати.....	6
2. БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	
2.1. Мижозлар базаси	7
2.2. Банк активлари ва капитали.....	8
2.3. Корпоратив мижозларни кредитлаш фаолияти.....	8
2.4. Жисмоний шахсларни кредитлаш фаолияти.....	9
2.5. Ташқи иқтисодий фаолият.....	9
2.6. Электрон тижоратни ривожлантириш.....	10
2.7. Банк инфратузилмасини ривожлантириш.....	12
2.8. Ахборот технологиялари.....	12
2.9. Кадрлар сиёсати.....	13
3. МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАР (ДАРОМАД, ХАРАЖАТ ВА ФОЙДА)	

ИЛОВАЛАР

1. АТ "Алоқабанк"нинг 2020 йил учун асосий кўрсаткичлари режаси.
2. АТ "Алоқабанк"нинг 2020 йил учун асосий кўрсаткичларининг чораклар бўйича режаси.
3. АТ "Алоқабанк"нинг 2020 йилга мўлжалланган ривожланиш истиқболлари.
4. АТ "Алоқабанк"нинг 2020 йил учун мўлжалланаётган даромад, харажат ва фойда кўрсаткичлари режаси.

КИРИШ

Мазкур бизнес-режа банк тизимидаги ўзгаришлар, банкнинг миссияси, ривожланиш йўналишлари ҳамда "АТ "Алоқабанк"нинг 2019-2021 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси"да белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан банк томонидан 2020 йилда амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирларни ўзида акс эттирадиган молиявий режа ҳисобланади.

Йиллик бизнес-режанинг устувор вазифаси банк акциядорлари ва Кенгаши томонидан банк олдига қўйилган яқин истиқболга мўлжалланган вазифаларнинг бажарилиши орқали банкнинг стратегик мақсадлари билан узвий боғлиқликни таъминлаш ҳисобланади.

Акциядорлик-тижорат "Алоқабанк" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, реконструкция қилиш ва уларнинг сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 502-сонли Қарорига асосан ташкил этилган.

Банк ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2017 йил 21 октябрдаги 48-сонли банк операцияларини амалга ошириш учун лицензияси асосида олиб боради.

Банк томонидан халқаро «Moody's» рейтинг компаниясининг барқарор рейтинг баҳоларини олишга мунтазам равишда эришиб келинмоқда. Жумладан, «Moody's» рейтинг компанияси 2019 йилнинг январь ойида банк рейтингини қайта тасдиқлаб:

- миллий валютадаги депозитлар бўйича – **B1/NP**;

- хорижий валютадаги депозитлар бўйича – **B2/NP**;

- барча рейтинглар бўйича – **"Барқарор"** баҳосини берди.

Шу билан бирга «Ахбор-рейтинг» миллий рейтинг компанияси томонидан 2019 йилнинг январь ойида банкка "uzA+" (Юқори) кредитга лаёқатлилик рейтингини берди.

1. ЖОРИЙ ҲОЛАТ ТАҲЛИЛИ

1.1. Республикадаги макроиқтисодий тенденциялар

Мамлакатимизнинг 2019 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари изчил амалга оширилиши ва пухта ўйланган макроиқтисодий ҳамда фаол таркибий сиёсатнинг давом эттирилиши жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш имконини берди.

2019 йилнинг январь-сентябрида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда **361 858,4 млрд.** сўмни ташкил этди. ЯИМнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **105,7 фоизни** ташкил этди. Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯИМ ўсишида асосий омил

бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 102,4 фоиз, (ЯИМдаги улуши - 25,4 фоиз), саноат - 107,0 фоиз (ЯИМдаги улуши - 27,0 фоиз), қурилиш - 119,3 фоиз (ЯИМдаги улуши - 6,2 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар - 104,1 фоиз (ЯИМдаги улуши - 6,4 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа - 105,7 фоиз (ЯИМдаги улуши - 7,1 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар - 105,3 фоиз (ЯИМдаги улуши - 19,1 фоиз) ни ташкил қилди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг 2019 йил январь-сентябрь ойларидаги ўзгариш динамикаси

Кўрсаткичлар	Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўзгариш, фоизда
Ялпи ички маҳсулот	105,7
Саноат	107,0
Қишлоқ хўжалиги	102,4
Асосий капиталга инвестициялар	146,0
Хизматлар, жами	105,3
Қурилиш	119,3

Ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда ЯИМ тармоқлари таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг улуши 31,3 фоиздан 28 фоизга ҳамда хизматлар соҳасининг улуши 36,8 фоиздан 35,9 фоизга камайган бир вақтда, саноатнинг улуши 25,4 фоиздан 29,2 фоизга, қурилишнинг улуши 6,5 фоиздан 6,9 фоизга ўсди.

2019 йил январь-сентябрь ойларидаги иқтисодий ўсиш суръатлари иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ижобий динамика билан боғлиқдир. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қўймат ҳажми ЯИМ умумий ҳажмининг 90,9 фоизини ташкил этди ва 5,7 фоизга ўсди (ЯИМ мутлоқ ўсишига таъсири 5,0 фоиз пунктни ташкил этди). Маҳсулотларга соф солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши 9,1 фоизни ташкил этди ва 5,6 фоиз даражасида ўсиш қайд этилди.

2019 йил январь-сентябрь ойларида хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи қўшилган қўймати ҳажми 118 115,4 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,2 фоизга ўсди (ЯИМ ўсишидаги ҳиссаси 1,7 фоиз пунктни ташкил этди). Шундан, савдо хизматлари (автотранспорт воситаларини таъмирлашни қўшган ҳолда) 3,9 фоизга, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 6,1 фоизга, ташиш ва сақлаш 5,0 фоизга, ахборот ва алоқа хизматлари 8,2 фоизга ва хизматлар соҳасининг бошқа тармоқлари 5,3 фоизга ўсди.

2019 йил январь-сентябрь ойларида ЯИМ дефлятори индекси 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 118,0 фоизни ташкил этди. ЯИМ дефлятори индексининг юқори кўрсаткичлари sanoat тармоғида (137,6%) ва бошқа хизмат тармоқларида (124,7%) қайд этилди.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2019 йил сентябрь ойида 2 537,3 минг сўмни ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 30,5 фоизга ўсди. 2019 йил январь-сентябрь ойлари учун ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2 213,4 минг сўмни ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 31,2%га ўсди.

1.2. Банк тизими ҳолати таҳлили

2019 йил 1 октябрь ҳолатига тижорат банкларнинг жами капитали ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **9,0 трлн. сўм ёки 136,0 фоизга ўсиб, 34,1 трлн. сўмни** ташкил этди. Банк активлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **88,5 трлн. сўм ёки 143,7 фоизга ўсиб, 290,8 трлн. сўмни** ташкил этди.

Банкларнинг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган самарали чора-тадбирлар мамлакатимиз тижорат банкларига кредитга лаёқатлилик бўйича тақдим этилган халқаро рейтингларини яхшилашга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Хусусан, «Moody's» халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон банк тизими ривожланиш истиқболларига берилган «барқарор» даражадаги рейтинг баҳосини саккиз йилдирки қайта тасдиқлаб келмоқда. «Standard & Poor's» ва «Fitch Ratings» рейтинг агентликлари ҳам Ўзбекистон банк тизими фаолиятини «барқарор» сифатида баҳоламоқда. Ҳозирги пайтда республикаимизда фаолият кўрсатаётган деярли барча тижорат банклари катта учликни ташкил этувчи «Moody's», «Standard & Poor's» ва «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентликларининг ижобий баҳоларига эгалар.

Банklar томонидан жорий йил учун устувор вазифа этиб белгиланган sanoatда юқори технологияли ва замонавий бўлган энг муҳим объектлар ҳамда қувватларни ишга тушириш, мамлакатда ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва модернизациялашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, ҳисобот даврида иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **85,3 трлн. сўм ёки 157,0 фоизга** ошиб, 2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига **234,7 трлн. сўмни** ташкил этди.

Мамлакатимиз банкларининг барқарор ҳолати, банк тизимига бўлган ишончнинг йилдан-йилга ошиши ҳамда аҳоли реал даромадларининг ўсиб бориши аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилишнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу ўз навбатида, банкларнинг жами депозитлари миқдори ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **23,8** трлн. сўм ёки **135,3** фоизга ошиб, 2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига **84,7** трлн. сўмни ташкил этди.

1.3. Банкнинг бозордаги ўрни ва бугунги кундаги молиявий ҳолати

АТ "Алоқабанк"нинг 2019 йилнинг 9 ойлик фаолияти яқунлари банк кўрсаткичларининг барқарор ва мувозанатлашган ўсишини таъминлаш ҳамда рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилди. Банк активлари ўтган йилнинг мос даврида нисбатан **145,8** фоиз, кредит портфели **147,9** фоиз, депозит базаси **168,1** фоиз, хусусий капитал **115,1** фоиз ҳамда соф фойдаси эса **185,5** фоизга ошди.

2-жадвал

АТ "Алоқабанк"нинг банк бозордаги ўрни

№	Кўрсаткич	01.10.2018		01.10.2019	
		Сумма (млрд. сўм)	Бозордаги ўрни	Сумма (млрд. сўм)	Бозордаги ўрни
1.	Активлар	5 001,0	9-ўрин	7 291,2	9-ўрин
2.	Кредит портфели	3 933,2	8-ўрин	5 817,5	9-ўрин
3.	Устав капитали	884,0	8-ўрин	884,0	9-ўрин
4.	Хусусий капитал	1 103,5	8-ўрин	1 272,8	8-ўрин
5.	Даромадлар	483,1	13-ўрин	980,8	9-ўрин
6.	Соф фойда	78,8	9-ўрин	146,2	8-ўрин
7.	Активлар рентабеллиги (%)	2,1%	9-ўрин	2,67%	9-ўрин
8.	Капитал рентабеллиги (%)	9,5%	14-ўрин	15,32%	14-ўрин

Банкни стратегик ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида янги банк хизматлари ва технологияларини жорий қилиш ҳамда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят марказларида жойлашган **14** та филиал, **26** та комплекс хизматлар кўрсатиш марказлари ва минибанклар, **83** та универсал касса, ҳамда **17** та жамғарма ва махсус кассалар шохобчалари фаолият юритмоқда.

2019 йил 1 октябрь ҳолатига мижозлар базаси **323 229** тани ташкил этди ва ўтган йилга (**250 818** та) нисбатан **72 411** тага ёки **128,9** фоизга ошди.

2019 йил 1 октябрь ҳолатига банк активлари **7 291,2** млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига (**5 001,0** млрд. сўм) нисбатан **2 233,3** млрд. сўм ёки **145,8** фоизга ўсди.

Банкнинг даромад келтирувчи активлари миқдори **5 847,7** млрд. сўм бўлиб, ўтган йилга (**3 938,7** млрд. сўм) нисбатан **1 909,0** млрд. сўмга ёки **148,5** фоизга ошди ҳамда жами активлардаги салмоғи **80,2** фоизни ташкил этди.

2019 йил 1 октябрь ҳолатига банкнинг хусусий капитали **1 272,8** млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига (**1 103,5** млрд. сўм) нисбатан **169,3** млрд. сўм ёки **115,3** фоизга ошди.

2019 йил 1 октябрь ҳолатига банк томонидан аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектлардан жалб қилинган депозитлар миқдори **5 025,2** млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига (**2 990,1** млрд. сўм) нисбатан **2 035,1** млрд. сўмга ёки **168,1** фоизга ортган.

2019 йил 1 октябрь ҳолатига банкнинг жами мажбуриятлари **6 018,4** млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига (**3 897,5** млрд. сўм) нисбатан **2 120,9** млрд. сўм ёки **154,4** фоизга ўсди.

2019 йил 1 октябрь ҳолатига кредит портфели **5 817,5** млрд. сўмни ташкил қилди. Халқ ҳўжалигининг турли тармоқларига ажратилган кредитлар қолдиғи ўтган йилнинг шу даврига (**3 933,2** млрд. сўм) нисбатан **1 884,3** млрд. сўмга ошиб, ўсиш **147,9** фоизни ташкил этди.

Кредит портфелининг таркибига қарайдиган бўлсак:

➤ Юридик шахсларга миллий валютада ажратилган кредитлар **3 098,3** млрд. сўмни ёки портфелнинг **53** фоизини ташкил қилди;

➤ Хорижий валютада ажратилган кредитлар **1 665,1** млрд. сўмни ёки портфелнинг **29** фоизини ташкил қилди;

➤ Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар **1 054,1** млрд. сўмни ёки портфелнинг **18** фоизини ташкил этди.

2019 йил 9 ойлик яқунлари бўйича олинган банк даромади **980,8** млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига (**483,1** млрд. сўм) нисбатан **497,7** млрд. сўмга ошиб, ўсиш **203,0** фоизни ташкил этди.

Харажатлар амалда **943,3** млрд. сўмни ташкил этди. Натижада, 2019 йил 9 ойлик яқунлари бўйича банкнинг олган соф фойдаси **146,2** млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига (**78,8** млрд. сўм) нисбатан **67,4** млрд. сўмга ёки **186,0** фоизга ошди.

Банкнинг рентабеллиги 2018 йил 1 октябрь ҳолатига **19,5** фоиз бўлган бўлса, ҳисобот даврида **17,5** фоизни ташкил этди.

2. БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Мижозлар базаси

Банк томонидан миждозларга янада қулай шарт-шароит яратиш, замонавий технология ва инновациялардан самарали фойдаланиш ҳисобига миждозлар базасини кенгайтириш, шунингдек миждозларнинг банка бўлган ишончини ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга эришиш банкнинг асосий мақсадларидан бири сифатида белгилаб олинди.

Банк томонидан хизмат кўрсатиладиган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар сонини 2020 йилда камида **26 000** дондан ортиқ бўлишини таъминлаш кўзда тутилди.

Мижозларга кўрсатиладиган банк хизматларини сифат жиҳатдан мутлақ янги поғонага чиқариш, улар билан ўзаро ҳурмат, ишонч ва ошқораликка асосланган манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш. Мазкур мақсадга эришиш учун қуйидагилар амалга оширилади:

- Мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича ходимлар томонидан амал қилиниши лозим бўлган Ягона стандартни ишлаб чиқиш;
- Банкнинг барча филиалларида автоматлаштирилган электрон қурилмаларни (электрон навбат, маълумотлар ва интерактив хизматлар кўрсатиш ойнаси ва ҳ.к.) кенг жорий қилиш;
- Банкнинг реклама компаниясини фаоллигини ҳамда самарадорлигини ошириш;
- Мижозларнинг ягона базасини шакллантирган ҳолда улар билан муносабатларни тизимлаштириш мақсадида CRM дастурини жорий қилиш;
- Мижозларга тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ ахборот ва консалтинг хизматлари кўрсатишни кенг жорий этиш ҳамда уларнинг молиявий саводхонлигини ошириш чораларини кўриш;
- Ходимларнинг миждозларга хизмат кўрсатиш сифатини баҳолаш, уларга берилган баҳолаш натижаларига кўра рағбатлантириш ва жарима (жазо) чораларидан иборат тизимни йўлга қўйиш;
- Банк хизматларини миждозларнинг талаб ва эҳтиёжларидан ҳамда уларнинг жисмоний, иқтисодий ва ҳудудий жойлашув имкониятларидан келиб чиқиб мунтазам мувофиқлаштириб бориш тизимини жорий этиш;
- Банк фаолиятининг рационал даромадлилигини ҳисобга олган ҳолда банк хизматлари жозибadorлигини ошириш, янги миждозларни жалб этиш мақсадида тариф сиёсатини мақбуллаштириш, бунда Бизнес-режа, фойда ва зарар кўрсаткичлари ҳамда миждоз билан ўрнатилган муносабатлар характерида келиб чиққан ҳолда кўрсатиладиган хизматлар бўйича воситачилик ҳақи ва тўловларни мустақил белгилаш амалиётига босқичма-босқич ўтиб бориш.

2.2. Банк активлари ва капитали

Банк активларини бошқаришда келгусида стратегик йўналишларни белгилаш орқали молиявий барқарорликни таъминлаш, ликвидлик ва даромадлиликни энг мақбул даражасига эришиш ҳамда банк таваккалчиликларини оқилона бошқариш ишлари давом эттирилади.

2020 йилда банк активларини – **11 195,4** млрд. сўмга етказиш режалаштирилди ҳамда жами активлар таркибида даромад келтирувчи активлар салмоғини ва сифатини ошириш кўзда тутилди.

Банк капиталининг етарли даражада ўсишини таъминлаш орқали капиталнинг монандлигига қўйилган талабларга риоя қилиш мақсадида режалаштирилаётган йилда олинадиган соф фойда ва 200 млрд. сўм янги акцияларни эмиссия қилиш ҳисобига банк хусусий капиталини 2020 йил якунида **1 617,0** млрд. сўмга етказиш кўзда тутилди.

Банкнинг капиталлашув даражасини камида **17,2** фоиз миқдориде ошириш режалаштирилди.

2.3. Корпоратив мижозларни кредитлаш фаолияти

2020 йилда банк томонидан хизмат кўрсатилаётган корхона ва ташкилотларнинг истиқболли инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, шунингдек, ушбу корхоналар томонидан импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтириладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва унинг ҳажмини ошириш кўзда тутилган.

Мижозларга қисқа мuddатли кредитлар ажратилишини жадаллаштириш орқали кредит портфели таркибидаги қисқа мuddатли кредитлар ҳажми ва салмоғини ошириш, инвестиция кредитларини молиялаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар ҳажмини янада кенгайтириш, кредит қўйилмаларини сифатли йўналтиришга қаратилган фаол кредит сиёсати олиб борилади.

Банкнинг ўз маблағлари ҳамда жалб қилинган маблағлар ҳисобига хўжалик юритувчи субъектларга 2020 йил мобайнида **5 300,0** млрд. сўм миқдориде кредитлар ажратилишини таъминлаб, юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорларга ажратилган кредитлар қолдиғини 2020 йил якунига қадар **6 780,0** млрд. сўмга етказиш белгиланди.

Шу билан бирга, ҳисобот йилида кредит ва гаров ҳужжатларини пухта расмийлаштириш орқали юқори сифатли кредит портфелини шакллантириш, кредитларнинг шартномаларда белгиланган мuddатларда қайтарилишини таъминлашга ҳам асосий эътибор қаратилади.

Кредит портфели сифатини яхшилаш, корпоратив мижозларга ажратилган кредитларнинг ўз вақтида тўлиқ қайтарилишини

таъминлаш, шунингдек кредит маблағларининг даромадлигини ошириш ҳисобига 2020 молиявий йил якунларига кўра **892,4** млрд. сўмдан ортиқ даромад олинishi режалаштирилди.

Банк активларининг барқарор ўсиб бориши билан бирга уларнинг сифатини доимий равишда юқори даражада бўлишини таъминлаш мақсадида куйидагиларни режалаштирмоқда:

- кредит портфели сифатини сақлаган ҳолда инвестицион лойиҳаларни кредитлаш ҳажмини мақсадли ошириб бориш;

- йирик ва истиқболли лойиҳаларни молиялаштиришни банкнинг ликвидлилик ҳолати ва иқтисодий кутилмаларни инобатга олган ҳолда амалга ошириб бориш;

- кредит сиёсати, кредит таваккалчилигини бошқаришни чуқур таҳлил этиш механизмини жорий этиш, кредит портфелини диверсификациялаш, 9-сон МХҲС асосида молиявий активларни таснифлаш ва баҳолаш бўйича янги талабларни жорий қилиш орқали банкнинг молиявий ҳисоботларини тайёрлаш сифатини ошириш, муаммоли қарздорликларни юзага келишини олдини олувчи чораларни ҳисобга олувчи активлар сифатини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш;

- жаҳоннинг илғор банклари тажрибасини ўрганиб, мижозларнинг кредит тўлаш қобилиятини замонавий скоринг-таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқиш, бунда уларнинг келажақдаги пул оқимлари ва молиявий истиқболини алоҳида эътиборга олиш ҳамда кредитлар фоиз ставкасини лойиҳанинг таваккалчилик даражаси ва унинг муддатидан келиб чиқиб белгилаш амалиётини жорий этиш;

- ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида “револьвер” кредитларидан, очиқ кредит линияларидан ва бошқа қисқа муддатли кредитлардан фойдаланишни кенгайтириш, шу билан бирга кредит портфели сифатини юқори даражада сақлаш учун кредитларни қайтариш бўйича тасдиқланган графикаларга қатъий амал қилиш, муддати ўтган қарздорлик юзага келишининг олдини олиш чораларини кўриш;

- кредитлаш масалалари билан бевосита шуғулланувчи раҳбарлар ва ходимларни улар амалга оширган кредит операцияларнинг даромадлиги, инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини ҳисобга олиб рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

2.4. Жисмоний шахсларни кредитлаш

2020 йилда жисмоний шахсларга қулай, тезкор ҳамда жозибador истеъмол кредитлари турларини тақдим этиш орқали молиявий йил давомида жами **1100,0** млрд. сўмлик кредитлар ажратилишини таъминлаб, жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдигини **1 500,0** млрд. сўмга етказиш белгиланди.

2020 йилда жисмоний шахсларга ажратиладиган кредитлар бўйича жами **245,7** млрд. сўм, даромад олиниши кўзда тутилган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган кўрсаткичларга эришиш учун банк томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилади:

-Банкнинг карталаридан фойдаланувчи миқозларга турли банк хизматларини кўрсатиш ва янги турдаги онлайн кредитларни таклиф қилиб бориш;

- истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни турли хилдаги самарали молиявий инструментлардан фойдаланиш орқали кредитлашни кенгайтириш;

- аҳолининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мебель, маиший техника ва бошқа товарларни харид қилиши учун истеъмол кредитлари ажратишни кенгайтириш;

- жаҳоннинг илғор банклари тажрибасини ўрганиб, миқозларнинг кредит тўлаш қобилиятини замонавий скоринг-тахлил қилиш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда кредитлар фоиз ставкасини таваккалчилик даражаси ва унинг муддатидан келиб чиқиб белгилаш амалиётини жорий этиш.

2.5. Халқаро иқтисодий муносабатлар

Банк томонидан ташқи иқтисодий фаолиятни 2020 йилда ривожлантиришнинг асосий йўналиш ва вазифалари:

- валюта операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ барча хавф-хатарларни бошқариш учун ички тартибларни оптимallasштириш;

- банк фаолиятида халқаро тўловлар, халқаро тўлов чеклари, инвестицион фаолият, халқаро молия институтлари маблағларини жалб этиш, нақд чет эл валютаси муомаласи, халқаро кафилликни фаол ривожлантириш;

- ўрнатилган вакиллик муносабатлари тизими орқали миқозларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини юритишлари учун кенг қамровли банк хизматларини кўрсатиш, уларнинг маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ишларини жонлантириш;

- банк хизмати кўламини ошириш мақсадида миқозларнинг экспорт-импорт операциялари бўйича амалга ошириладиган банк кафолати, аккредитив тўлов шаклларидаги ҳисоб-китоб тизимини амалга оширишда хорижий банк корреспондентлар ҳамкорлигида ишлаш кўламини кенгайтириш;

- халқаро валюта бозорларида қатнашиш ҳамда конверсион операциялар кўламини янада кенг қамровда амалга ошириш, шунингдек, конверсион операциялар бўйича Россиянинг Сбербанк, ВТБ банк, АК Барс банклари билан ҳамкорлик муносабатлари ўрнатиш;

- Иқтисодий ривожланган давлатлар банкларида банкнинг вакиллик муносабатларини ўрнатиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб бориш;

- Маҳаллий ва хорижий банкларнинг вакиллик ҳисобрақамларини очиш;

- Марказий банкга тақдим этиладиган валюта амалиётлари бўйича ҳисоботларни, шунингдек олинadиган даромадлар ҳисобини автоматлаштириш.

Банкнинг узоқ муддатли ривожланиш стратегияси асосий йўналишларидан бири сифатида халқаро молия институтлари ва чет эл банкларининг кредит линияларини жалб қилиш ва ушбу маблағлар ҳисобидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳисобланади.

Банк томонидан 2020 йилда бир қатор молия институтлари билан янги кредит линияларини жалб қилиш ҳамда савдони молиялаштириш инструментлари ҳажмини кенгайтириш юзасидан фаол музокаралар олиб борилиши режалаштирилган.

Банк томонидан 2020 йилда жалб қилинган хорижий кредит линиялари ҳисобидан **61 млн. АҚШ доллари** ва банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан **120,0 млн. АҚШ доллари**дан ортиқ кредитлар ажратилиши режалаштирилган бўлиб, йил охирига қадар банкнинг хорижий валютадаги кредит портфели **315 млн. АҚШ долларига** (3 000 млрд. сўм эквивалентига) етказилиши кўзда тутилган.

2020 йил давомида банк томонидан халқаро молия институтлари ва чет эл банкларининг кредит линияларини ҳамда савдони молиялаштириш линияларини жалб қилишнинг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

- Европанинг етакчи банклари ҳисобланган Credit Suisse (Швейцария), UBI Banca (Италия) ва Sparkasse (Германия) банкларининг кредит линиялари жалб қилиш ҳамда ўзлаштириш;

- Германиянинг Commerzbank AG банки кредит линиясини йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳисобига ўзлаштириш;

- Халқаро савдони молиялаштириш Ислом корпорациясининг 20 млн. АҚШ доллари миқдоридан савдони молиялаш линиясини жалб қилиш ҳамда ўзлаштириш;

- Хитой sanoat банкининг 10 млн. АҚШ доллари миқдоридан савдони молиялаштириш линиясини жалб қилиш ва ўзлаштириш;

- Осиё тараққиёт банки, Азия Инвест банк ва Commerzbank AG банкларининг савдони молиялаш бўйича мавжуд лимитларини ошириш.

Банкнинг хорижий валютадаги кредит портфели сифатини яхшилаш, мижозларга ажратилган кредитларнинг ўз вақтида тўлиқ қайтарилишини таъминлаш, шунингдек кредит маблағларининг даромадлилигини ошириш ҳисобига 2020 молиявий йил якунларига кўра банкнинг хорижий валютада кредитлаш фаолиятидан **191,1 млрд. сўм** даромад олинishi режалаштирилди.

2.6. Электрон тижоратни ривожлантириш

Банк электрон тижорат соҳасида Ўзбекистон Республикасининг "Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида"ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги "Банк хизматлари оммаболлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3620-сонли Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда илғор ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда кўрсатилаётган банк хизматлари кўламини ва сифатини ошириш, ҳар бир мижоз талабига жавоб берувчи энг замонавий банк хизматларини кўрсатиш, тўловларни электрон тарзда реал вақт режимида қабул қилинишини янада кенгайтириш, шунингдек, мавжуд автоматлаштирилган банк тизимларини янги стандартлаштирилган банк маҳсулотлари ва хизматлари асосида модернизация қилишни асосий мақсад қилиб кўйган.

2019 йилда электрон тижоратни янада ривожлантириш, янги банк хизматларини жорий қилиш, мавжуд хизматларни ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда замонавий хизматларга айлантириш, банк даромадлигини ошириш ҳамда банкни республиканинг энг илғор банклари қаторидан жой олишини таъминлаш мақсадида кўйидаги лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган:

- банкда электрон тижорат инфратузилмасини ҳамда интернет эквайрингни янада ривожлантириш натижасида йил якунига қадар 66,0 млрд. сўм даромад олиш (2019 йилга нисбатан 1,5 баробар ортиқ);
- халқаро тўлов карталарининг онлайн эквайрингини йўлга қўйиш ҳамда хорижий валютадаги E-POS терминаллари тармогини кенгайтириш;
- чет элдан Ўзбекистонга онлайн тарзда халқаро пул ўтказмалари тизимини жорий қилиш;
- мижозларга масофадан туриб электрон ҳамён очиш ва ҳамён орқали онлайн амалиётларни амалга ошириш имкониятларини яратиш;
- POS-терминал ҳамда мобил дастур орқали амалга оширилган тўловлар учун cashback тизимини жорий қилиш;
- жамоат транспортда йўл ҳақи учун банк карталари ва махсус транспорт карталари орқали автоматлаштирилган тарзда тўловларни амалга ошириш тизимини жорий қилиш;
- банкда халқаро тўлов тизимлари бўйича процессинг марказини ташкил этиш;
- мобил операторлар мобил дастурларига банк тўлов тизимини интеграция қилиш ва мобил рақамдаги маблағлар қолдиғи (баланс) орқали тўловларни амалга ошириш имкониятини яратиш;

- кредит бюроси ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия тизими билан интеграция қилган ҳолда жисмоний шахсларнинг кредитга лаёқатлигининг онлайн скорингини амалга ошириш ҳамда ушбу маълумотлар асосида савдо платформаларида онлайн тарзда кредит ажратиш ва муддатли тўловларни расмиёшлайштириш тизимини татбиқ этиш;

- “Ўзбекистон почтаси” тармоғи ҳамда республика бўйича кенг тармоққа эга бошқа ҳамкорлар орқали агентлик шартномаси асосида банк хизматларини кўрсатишни босқичма-босқич жорий этиш;

- хорижий электрон ҳамёнлар билан итеграция қилиш орқали ушбу ҳамёнлар идентификация қилиш, тўлдириш ва банк томонидан эмиссия қилинган электрон пулларга айирбошлаш имкониятини яратиш;

- ушбу лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 2019 йилда банк томонидан 100,0 млрд. даромад ва 28,0 млрд. ялпи фойда олиниши режалаштирилган.

2.7. Банк инфратузилмасини ривожлантириш

2020 йилда банкнинг структурасини янада оптималлаштириш режалаштирилган бўлиб, бунда унинг таркибий тузилмасини қайта кўриб чиқиб, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатиш кўлами ва сифатини ошириш мақсадида банк бўлинмаларини кенгайтириш мақсад қилинган. Ушбу мақсадга эришилишини таъминлаш учун банк қуйидагиларни амалга оширади:

- банкнинг комплекс хизматлар кўрсатиш марказлари сонини минибанклар сонини 30 тага етказиш. Жумладан, Самарқанд (1 та) ва Хоразм (1 та) вилоятларида ҳамда Тошкент (2 та) шаҳрида барча базавий банк хизматларини кўрсатувчи 4 та “банк хизматлари офис”ларини ташкил этилади;

- Банкнинг амалдаги филиалларини модернизациялаш ва замон талабларига мос равишда техник жиҳозлаш;

- Банкдаги мавжуд жамғарма кассалар, махсус кассалар ва бошқа шу каби бўлинмалар орқали кўрсатиладиган хизматларни ягона универсал кассалар орқали миждозларга етказиш тизимини тўлиқ йўлга қўйиш.

2.8. Ахборот технологиялари

Ахборотлаштириш даражаси ва замонавий технологиялардан фойдаланиш ташқи бозорда ҳам, ички бозорда ҳам банкнинг самарали иқтисодий ривожланишининг ва рақобатбардошлигининг асосий факторларидан бири бўлиб қолмоқда.

Банк томонидан тайёрланадиган барча ҳисоботларни тайёрлаш тизимини автоматлаштириш, банкнинг Амалиёт бошқармаси ва барча филиалларидаги операциялар бўлимлар фаолиятини оптималлаштириш орқали миждозларга қўшимча қулайликлар яратиш кўзда тутилди.

"Интернет-банкнинг", мобил-банкнинг ва SMS-банкнинг тизимидан фойдаланувчилар сонини ошириш, бунда омонатчиларнинг банкдаги ўз маблағларини масофадан туриб назорат қилишлари, истаган вақтда тўловларни ўтказишлари имкониятини жорий қилиш кўзда тутилган. Бундан ташқари банк мижозлари бўлган аксарият ташкилотларга "Интернет-банкнинг" дастури орқали хизмат кўрсатиш режалаштирилган.

2020 йилда бош офис ва банк филиалларини серверлар, замонавий ишчи станциялар ва дастурий воситалар билан таъминлаш, мижозларга кўрсатиладиган хизматларни тезлаштириш, уларга кўшимча қулайликлар яратишда янги имкониятлар жорий этиш ишларини давом эттириш кўзда тутилган.

Электрон рақамли имзо билан боғлиқ барча хизмат кўрсатиш тизимлари, электрон ҳисоботлар ягона электрон имзо билан амалга ошириш ишлари давом эттирилади.

Банкнинг расмий веб-сайтини такомиллаштириш ҳамда веб-сайт орқали тақдим этилаётган интерактив хизмат турлари сонини, шу жумладан транзакцион хизматларни кўпайтириш ҳамда ушбу хизматларни ягона интерактив давлат хизматлари порталига интеграциялашни ривожлантириш режалаштирилган.

2020 йилда банк ходимларини ва информацион технологиялар мутахассисларини малакасини оширишга алоҳида аҳамият берилади.

2020 йилда ахборотлаштириш инфраструктурасини автоматлаштиришни босқичма-босқич татбиқ этиш давом этади. Хусусан, банк автоматлаштирилган тизими серверларини янгилаш ҳамда корпоратив маълумотлар омборини яратиш, аналитик маълумотларни тайёрлаш ва кредит жараёнларини автоматлаштиришга мўлжалланган дастурий таъминотларни ўрнатиш режалаштирилган.

2.9. Кадрлар сиёсати

Банк раҳбарияти ходимлар салоҳиятини ривожлантиришни белгиланган стратегик вазифаларни амалга оширишнинг асосий шarti сифатида кўради. Банк ходимлари меҳнатининг унумдорлигини ошириш, янги маҳсулотлар ва технологияларни оммавий тарзда жорий қилиш, ўрта бўгин раҳбарлари ҳамда мутахассислар ваколатини кенгайтириш ходимларни бошқариш тизимининг олдига янги мақсад билан бир қаторда бошқа долзарб вазифалар кўйилишини тақозо этади.

2020 йилда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда ходимларни бошқаришнинг замонавий тизимини жорий этиш асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланган. Бу йўналишда кўйидаги вазифалар амалга оширилиши режалаштирилган:

- ходимларни танлаш, жой-жойига қўйиш ҳамда ёш мутахассисларни меҳнат шароитига мослашиш (адаптация) жараёнини такомиллаштириш;
- ходимларни ривожлантириш, уларнинг малакасини ошириш жараёнини такомиллаштириш;
- ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда банк ходимларини масофавий ўқитиш тизимини жорий этиш;
- банкнинг трансформация Стратегияси асосида ходимларини ўқитиш ва қайта тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиш;
- - ходимларни танлаш, жой-жойига қўйиш ҳамда уларнинг мотивацияси учун зарур бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш даражасини такомиллаштириш;
- ходимларни банкнинг ривожланишига қўшган ҳиссаларига мувофиқ ҳолда рағбатлантириш (KPI) тизимини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш;

- молия-банк соҳасининг муҳим йўналишлари бўйича етакчи олий ўқув юртлари билан узвий муносабатлар ўрнатиш.

- таълимга сармоя киритиш орқали банк тизимини малакали кадрлар билан бутлаш ҳамда кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида молия-банк йўналиши бўйича таҳсил олаётган иқтидорли талабалар учун банк стипендиясини жорий этиш;

- талабаларнинг ўқув амалиётини ўтказишга янада қулай шарт-шароитлар яратиб бориш, амалиёт даврида уларни баҳолаш тизимини жорий этиш;

- хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасаларида, чет-эл банкларида банк ходимларининг малака оширишини таъминлаш, хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда банкда ўқув курслари ва семинарларни ташкиллаштириш.

- илғор тажрибага эга бўлган хорижий мутахассисларни ишга жалб қилиш механизмини ишлаб чиқиш;

- банк тизимида илғор тажрибага эга камида хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш;

- ёш мутахассисларнинг адаптация жараёнига кўмаклашиш, захира билан ишлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида "Устоз-шоғирд" тизимини жорий этиш.

3. МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАР (ДАРОМАД, ХАРАЖАТ ВА ФОЙДА)

2020 йилда банк олдига қўйилган устувор вазифаларнинг бажарилиши натижасида асосий молиявий кўрсаткичларнинг барқарор ўсиши режалаштирилмоқда.

Жумладан, 2020 йилда банк даромадининг ўсиш даражасини **1,5 баробарга** таъминлаган ҳолда, **1 983,7** млрд. сўмга етказиш режалаштирилди. Бу даромадларнинг **1 594,1** млрд. сўми фоизли

даромадлар, **389,6** млрд. сўми фоизсиз даромадлардан ташкил топади. Фоизли даромадларнинг асосий қисми, яъни **1 200,3** млрд. сўми, ссуда ва лизинг операцияларидан олиниши кўзда тутилган. Фоизсиз даромадларнинг асосий қисмини эса **291,9** млрд. сўми, кўрсатилган хизматлар ва воситачилик операцияларидан олинган даромадлар ташкил этади.

2020 йилда жами **1 733,7** млрд. сўмлик банк харажатларини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, уларнинг **1 217,3** млрд. сўми фоизли харажатлар, **153,2** млрд. сўми фоизсиз харажатлар ва **363,2** млрд. сўми операция харажатлардан иборат бўлади.

Банкнинг соф фойдаси 2020 йил учун – **250,0** млрд. сўм миқдорида белгиланган*.

***Изоҳ**

2019 йил якунлари бўйича жами **1 341,4** млрд. сўм даромад, **1 140,4** млрд. сўм харажат ва **201,0** млрд. сўм фойда олиниши кутилмоқда.

Банк Кенгаши
аъзолари:

О. Умаров



Р. Хайтметов



Р. Мансуров



Н.Хасанов



Ф. Юлдашев



А. Ишанходжаев



Т. Иминов



Т. Тешабаев



Бошқарув Раиси



К. Ирисбекова